Биография

Эргаш Қиличев



1940 йилда Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги Харгўш қишлоғида туғилган. 1956 йилда шу қишлоқдаги ўрта мактабни тугатган. 1958 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети филология факультетига ўқишга кириб, уни 1963 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. 1967-1969 йиллар Тошкент Давлат университети қошидаги аспирантурани битирган.

1963 йилдан Бухоро Давлат педагогика (ҳозирги университет) институти ўзбек тилшунослиги кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, 1971 йилдан доцент, 1992 йилдан профессор лавозимларида ишлаб келмоқда.

1969 йилдан проф. Айюб Ғуломов раҳбарлигида «Садриддин Айний асарларида архаизм ва историзмлар» мавзуида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари бўйича 100 дан ортиқ илмий мақола, саккизта алоҳида китоб нашр қилдирган. Унинг «Бадиий тасвирнинг лексик воситалари» (Тошкент, 1982), «Ўзбек тилининг практик стилистикаси» (Тошкент, 1985), «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» (Тошкент, 1992), «Ҳозирги ўзбек адабий тилидан конспектив курс» (Тошкент, 1989), Б.Э.Қиличев билан ҳамкорликда «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (Бухоро, 2002), «Ўзбек тили ономастикаси» (Тошкент, 2004), «Услубият назарияси» (Бухоро, 2006), «Матн лингвистикаси» (Бухоро, 2008) ва бошқа асарлари республика илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган.

Олим илмий педагогик иш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У киши ўзбек тили кафедраси мудири (1976-81) факультет (1981-86), ректорнинг ўқув ишлар бўйича муовини (1994-1995, 1997-2000) ўзбек, тожик филологияси факультети декани вазифасида ишлади. Ҳозирги кунда БухДУ ўзбек филологияси кафедраси профессори лавозимида ишламоқда.

Профессор Э.Р.Қиличев ҳукуматимиз томонидан медаль ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

2000 йилда олимнинг 60 йиллиги ўзбек тилшунослиги кафедраси томонидан муносиб нишонланди – олимнинг юбилейига республика миқёсида чоп этилган «Армуғон» илмий мақолалар тўплами бағишланди. Олимнинг 1960-2000 йиллардаги илмий фаолияти ҳақидаги асосий маълумотлар шу тўпламда жамланган.

Асарлари:

2000

Алишер Навоий асарларини лингвистик «микроскоп» остида таҳлил қилиш. - «Улуғ Алишер Навоий» илмий мақолалар тўплами, Қарши.

Маънодош сўзлар Алишер Навоий талқинида. - «Улуғ Алишер Навоий» илмий мақолалар тўплами, Қарши.

Матннинг лингвистик таҳлили. - Ўқув-услубий қўлланма. Бухоро.

Интонация ҳақида мулоҳазалар. – «Тилшунослик ва методика масалалари» илмий мақолалар тўплами. Тошкент

2001

Интонациянинг услубий хусусиятлари//Ўзбек тили ва адабиёти. №3.

Талабаларда нутқий тафаккурни шакллантириш. - Ўзбек тили доимий 5-анжумани материаллари. Тошкент.

Ўзбек тили ономастикаси (Махсус курс 5 А 220102 - ихтисослиги учун). - Бухоро.

Она тили» дарсларида услубият масалалари. – «Моҳиятга интилган олим» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.

Ҳозирги ўзбек адабий тили (Б220100 ихтисослиги учун. 2-нашри). - Ўқув-усулий қўлланма. Бухоро

2002

Шахс маъноли парафразалар. –«Ўзбек филологияси масалалари» илмий мақолалар тўплами, Самарқанд.

Дохунда антропоними ҳақида. - «Адабий тил жонкуяри», илмий мақолалар тўплами, Бухоро.

3. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Ўқув-усулий қўлланма. Бухоро.

Ўзбек тили ономастикаси - Ўқув-усулий қўлланма. Бухоро

2004

Проф. Х. Дониёров ва топонимика. – «Профессор Х. Дониёровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги» илмий мақолалар тўплами. Гулистон.

Антропонимларда ижтимоий ҳаёт акси. – «Аюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги» илмий мақолалар тўплами. Тошкент

Матннинг лингвистик таҳлили. - Ўқув-усулий қўлланма. Бухоро.

Ўзбек тили ономастикаси. - Ўқув-усулий қўлланма. Тошкент

2005

Услубий маъно ва унинг ифодаланиши.- «Илму адаб жабҳасида 60 йил» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.

Ҳозирги ўзбек адабий тили (Б220100 ихтисослиги учун. 3-нашри). - Ўқув-усулий қўлланма. Бухоро

Асарлари:

2006

Фонетик воситаларнинг ифодалилиги. – «Туркий тилларнинг фонологияси ва морфонологияси» илмий мақолалар тўплами. Нукус.

Ўзбек адабий тилининг меъёрлари (услубий меъёрлар).- «Армуғон» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.

Нутқ маданиятида ифодалилик масаласи.- «Нутқ лингвистикаси» халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд.

Алишер Навоийнинг тил маҳорати// Бухоро муаллими. - Бухоро.

Ўқувчилар билим даражасини баҳолаш//Халқ таълими.- №4.

Изланувчан олим. – «Профессор Т. Қораев замондошлари хотирасида» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.

Синоним ибораларнинг услубий хусусиятлари. – «Филология ва методика масалалари» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.

Ёзма ишларда хатоларни аниқлаш ва уларнинг таснифи//Тил ва адабиёт таълими. - №1.

"Нутқ маданияти ва услубият асослари" фанидан ўқув-усулий мажмуа. - Бухоро.

Алишер Навоий "йиғламоқ" ва "ичмоқ" феълларининг маъно даражаси ҳақида// БухДУ илмий ахборотномаси. -№3.

Услубият назарияси. - Ўқув-усулий қўлланма. Бухоро.

Она тили - Давлат тили//Бухоронома.

Коннотатив маъно ва унинг ифодаланиши//Ўзбек тили ва адабиёти. – №6.

"Сўздурки нишон берур ўликка жондин..." //Бухоронома .

2007

Фонетика - фоностилистиканинг бир тармоғи. – «Филология масалалари» илмий мақолалар тўплами. Тошкент.

"Кунтуғмиш" достонида лексик синонимлар. – «Филология масалалари» илмий мақолалар тўплами. Тошкент.

"Алпомиш" достонида аёл антрополексемалар. – «Армуғон» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.

Морфологик диалектизмларнинг лингвопоэтик хусусиятлари. – Ўзбек тили доимий 8-анжумани материаллари. Тошкент.

Мирзаев Мустақим хотирасига (1912-1990) //Ўзбек тили ва адабиёти. – №6.

График услубий воситалар. – «Услубшунослик ва фразеологиянинг долзарб муаммолари» илмий мақолалар тўплами. Самарқанд.

Бекмурод Йўлдошев ҳақида. – «Услубшунослик ва фразеологиянинг долзарб муаммолари» илмий мақолалар тўплами. Самарқанд.

Адабий тилимиз тарихи// БухДУ илмий ахборотномаси. - №3.

Асарлари:

Профессионал нутқ эвфемикаси// БухДУ илмий ахборотномаси. -№4.
Эргаш Жуманбулбул достонларида жуфт ва такрорий сўзлар.- «Филология масалалари» илмий мақолалар тўплами. Тошкент

2008

"Алпомиш" достонида ўхшатишлар. – «Тилшунослик ва методика масалалари» илмий мақолалар тўплами. Тошкент: Фан.
Нутқий равонлик манбаи//Бухоро университети.
Нутқ маданияти ва услубият асослари фанидан намунавий дастур. - Бухоро.
Матн лингвистикаси. Маъруза матнлари. - Бухоро.
Ўзбек тили ономастикаси. Маъруза матнлари .- Бухоро.
Нуқтанинг семантик-стилистик хусусиятлари.– «Ўзбек тилшунослиги XXI асрда» илмий мақолалар тўплами. Қарши.
Суюкли дўстим.– «Номшунос олим» илмий мақолалар тўплами. Қарши.
Фонографик қиёфали русча сўзларнинг услубий хусусиятлари.– «Гений русской литературы» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.
Истиқлол ва ўзбек адабий тили.– «Фалсафа ва тасаввуф» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.
Она тили таълимида узлуксизлик. - «Тил таълими босқичларида узлуксизликни таъминлаш» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.
Бадиий матнни лингвистик шарҳлаш. – «Германистика ва романистиканинг Ўзбекистонда тараққиёти ҳамда келажаги» илмий мақолалар тўплами. Бухоро

2009

"Алпомиш" достонидаги аёл антрополексемалар. – «Тилшунослик ва методика масалалари» илмий мақолалар тўплами Тошкент.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили - Ўқув-усулий қўлланма. Бухоро.
3. Ўзбек тили лингвистик терминлари манбаи. – «Филологик тадқиқотлар» илмий мақолалар тўплами. Бухоро.
4. Лингвистик терминларнинг ўзбекча-русча-инглизча ўқув луғати.- Бухоро

Copyright © 2022
All Rights Reserved.